



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG‘OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

2021 -yil 14 - aprel

75ku -son

Bog‘ot shaharchasi

Мархум Жумабоева Моможоннинг  
турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини  
белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Ёш ўсмир” маҳалласида яшовчи фуқаро Жумабаев Ааматжон Садуллаевичнинг мархум онаси Жумабоева Моможоннинг “Ёш ўсмир” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 17 мартдаги ШЯ-Ж-1156-сонли аризасини, “Ёш ўсмир” маҳалласи фуқаролар йиғини маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонасининг Боғот туман филиалининг 2021 йил 15 мартдаги 830-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

**Қ А Р О Р            Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Ёш ўсмир” шаҳарчасида жойлашган Литер 0001 ушбу турар жой биноси 11 (ўн бир)та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 105,6 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 7 (етти)та бўлиб, ички ўлчами 158,54 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 264,14 квадрат метр, қурилиш ости майдони 340,59 квадрат метр, Литер 0002 ёрдамчи биноси 4 (тўрт)та хонадан иборат, жами ички ўлчами 81,05 квадрат метр, жами қурилиш ости майдони 106,65 квадрат метр, жами яшаш хона ички ўлчами 105,6 квадрат метр, жами ёрдамчи бино ички ўлчами 239,59 квадрат метр, жами ички ўлчами 345,19 квадрат метр, жами қурилиш ости майдони 447,24 квадрат метр жами умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан мархум Жумабоева Моможонга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Мархум Жумабоева Моможоннинг меросхўрлари ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида

янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга ошириганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Мархум Жумабоева Моможоннинг меросхўрларига ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев